

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Водий НГҚЧБ директори  
М.М.Анарбоев



2022й.

Водий нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси  
ходимларини мажбурий даврий тиббий кўрикдан ўтказиш  
бўйича  
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

## **1 Умумий талаблар**

1.1. Техник топшириқ предмети:

Водий НГҚЧБ муҳандис-техник ходимлари ва ишчиларини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги талабларига кўра мажбурий даврий тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда шахсий тиббий варақаларини расмийлаштириш.

1.2. Кўрсатиладиган хизмат кўрсатишнинг мақсади, унга бўлган талаблар ва уни амалга ошириш учун асос:

Ходимларнинг мажбурий тиббий кўриги Ўзбекистон Республикаси Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунининг 9-моддаси, Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 10.07.2012 й. санадаги “Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 200-сонли буйруғига мувофиқ амалга оширилиши зарур.

Мажбурий тиббий кўриқ меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик асосида бажарилиб, кўриқдан ўтувчи ходимларда уларнинг клиник-лаборатор таҳлилларини бажариш ва ушбу таҳлил натижалари асосида касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика ўтказилиши шарт.

“Буюртмачи” ходимларини тиббий кўриқдан ўтказишда клиник-лаборатор текширувлари ҳамда якуний далолатнома натижаларига асосан касалланиш белгилари аниқланганда муайян бир ходимни ўзининг касбий мажбуриятларини бажаришга руҳсат берилмаслик хулосаси бўлиши керак.

## **2 Кўрсатиладиган хизмат муддати шартлари**

2.1. Ходимлар тиббий кўриги жорий 2022 йилнинг 1-чорагида амалга оширилиши шарт.

2.2. “Буюртмачи” ходимлари даврий кўригини ўтказиш тиббий муассаса томонидан тузиладиган жадвал асосида амалга оширилади.

## **3 Кўрсатиладиган хизматга бўлган алоҳида талаблар**

3.1. Даврий тиббий кўриқ дастлабки ва даврий кўриқларни ўтказиш учун амалдаги лицензияга эга бўлган исталган мулкчилик шаклидаги тиббий муассаса томонидан ўтказилади.

3.2. “Бажарувчи” тиббий муассаса кўрсатиладиган тиббий хизматни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг “Оғир меҳнат ва зарарли ва/ёки хавfli ишларда банд бўлган ишчиларни даврий мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низоми”га мувофиқ амалга оширади ҳамда “Низом...” дан келиб чиққан ҳолда тегишли йўналишлардаги врачлар бригадасини тузади.

3.3. “Бажарувчи” “Буюртмачи”га тузилган врачлар бригадасининг ҳар бир мутахассиси ҳамда лаборатор таҳлиллар бўйича бир ходим учун белгиланган хизмат кўрсатиш нархи прејскурантини тақдим этади.

3.4. “Бажарувчи” тиббий муассаса “Буюртмачи” ходимлари меҳнат фаолиятини юритувчи ҳудуд (Андижон вилояти, Андижон шаҳри)да жойлашган бўлиши керак.

3.5. “Бажарувчи” томонидан амалга ошириладиган таҳлил учун қон ва бошқа биологик суюқликлар олиш хоналари ва флюорографик кабинетлар айнан кўриқдан ўтказувчи врачлар фаолият юритадиган муассаса биносида жойлашган бўлиши керак.

3.6. Тиббий кўриқдан ўтказиш вақти соат 8<sup>00</sup> дан 16<sup>00</sup> гача.

3.7. Бир ходимни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш бир иш куни давомида амалга оширилади.

3.8. “Буюртмачи” “Бажарувчи”га ходимларнинг меҳнат шароитлари (зарарсиз, зарарли, сменали ва ҳ.к.)ни кўрсатилган ҳолдаги рўйхатини тақдим этади.

3.9. “Буюртмачи” ходимларининг жами сони – 61 нафар.

3.10. “Бажарувчи” тиббий кўрикдан ўтган ҳар бир ходимга шахсий тиббий дафтар юритиши, уларга тиббий кўрик натижалари киритиши ҳамда кўрик якунида уларни “Буюртмачи”га тақдим этиши керак.

3.11. Тиббий кўрик натижаларига кўра эгаллаб турган лавозими бўйича меҳнат қилишга лаёқатсиз деб топилган ходимларга тегишли хулосани уларнинг ўзларига ҳамда “Буюртмачи”га тақдим этиши керак.

#### 4 Кўрсатилган хизмат учун тўловлар

4.1. Хизмат кўрсатиш учун тўловлар аввалдан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

4.2. Хизмат кўрсатилган тўлов нархи 3 660 000 сўм – 100% пул ўтказиш йўли билан.

4.3. Молиялаштириш “Буюртмачи”нинг шахсий пул маблағлари ҳисобидан.

С ва ЭХ, СМҚ ва МХ етакчи мутахассиси  Р.Алимов

Кадрлар тайёрлаш бўлими етакчи муҳандиси  М.Жамолов